

Салиб юришларининг салбий натижалари



09:45 / 30.11.2023 2196

Шарқ халқларининг Ғарб халқларига нисбатан чуқур ва ҳақли нафрати салиб юришларининг ягона салбий натижаси эмас. Салиб юришлари туфайли салиб юришларининг асосий йўлбошчилари бўлмиш Рим папалари ҳамда черков диний ҳокимиятининг ҳаддан ошиб кетди. Черков ўз сюзеренларининг сафарлар туфайли олинган қарзларни тўлаш учун сотишга мажбур бўлган ерлари ҳисобига бойиб борарди. Рим папаларининг қудрати, черковнинг эса бойлиги кескин ортиб кетиши натижасида Рим папаси халқлар ва қиролларни бошқаришни истаб қолди, черков ходимларининг порахўрлиги эса оддий ҳолатга айланди. Мана шу оқибатлар ўз навбатида кейинчалик Реформацияга ва ундан кейин юз берган қонли курашларга сабаб бўлди. Салиб юришларининг энг оғир оқибатларидан бири дунёда кўп асрлик мурасимчилик ва адоват ҳиссининг бардавом бўлиши эди. Бу адоват бундан аввал иудаизмдан бошқа ҳеч бир

динда кўрилмаган ваҳшийларча шафқатсизлик тусини олди.

Тўғри, салиб юришларига қадар ҳам адоват анча кучли бўлган, бироқ у бу қадар шафқатсизлик шаклини олмас эди. Салиб юришлари даврида бу адоват ёвуз нафратга айланиб, бугунги кунимизгача сақланиб қолди. Қон тўкишга ўрганиб қолган руҳонийлар диний эътиқодни тарғиб қилиш ва бидъат-хурофотларни йўқотиш учун илгари фақат ғайридин ва муртадларгагина қўлланган беаёв қирғин усуллари кўллай бошладилар. Салгина қаршилик ҳам уларнинг кўзига энг даҳшатли қатлга лойиқ ишдек кўрина бошлади.

Яхудийлар, альбигойлар (XII-XIII асрларда Жанубий Франциядаги еретиклар ҳаракати) ва турли тоифадаги еретикларни қирғин қилиш, инквизиция, диний урушлар ва Европани узоқ вақт давомида қора қонга беллаган шафқатсиз тўқнашувлар – буларнинг барчаси салб юришлари туфайли пайдо бўлган мурасасизлик ва адоват ҳиссининг оқибатлари эди.

Салиб юришларига салибчилар кўзлаган мақсад, яъни Фаластинни забт этиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, очиқ-ойдин кўриниб турибдики, бу юришлар мутлақо самара бермади, чунки Европа икки асрлик узлуксиз ҳарбий сафарлар давомида берган сон-саноксиз инсоний ва моддий қурбонларга қарамай, насронийлар нима қилиб бўлса ҳам эгаллашга уринган мамлакатларда барибир мусулмонлар ҳукмрон бўлиб қолавердилар.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.